

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖУРАЕВ ЖОНИБЕК УКТАМОВИЧ

ИККИ ЎЛЧОВЛИ СИГНАЛЛАРНИ ВЕЙВЛЕТ УСУЛЛАРИДА
МОДЕЛЛАШТИРИШ АЛГОРИТМЛАРИ ВА ДАСТУРЛАРИ

05.01.07 –Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
Technical Sciences**

Жураев Жонибек Уктамович

Икки ўлчовли сигналларни вейвлет усулларида моделлаштириш
алгоритмлари ва дастурлари 3

Жураев Жонибек Уктамович

Алгоритмы и программы для моделирования двумерных сигналов вейвлет-
методами..... 21

Jurayev Jonibek Uktamovich

Algorithms and programs for modeling two-dimensional signals by wavelet
methods..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖУРАЕВ ЖОНИБЕК УКТАМОВИЧ

**ИККИ ЎЛЧОВЛИ СИГНАЛЛАРНИ ВЕЙВЛЕТ УСУЛЛАРИДА
МОДЕЛЛАШТИРИШ АЛГОРИТМЛАРИ ВА ДАСТУРЛАРИ**

05.01.07 –Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/T1947 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tuit.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Зайнидинов Хакимжон Насридинович**
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Назирова Элмира Шодмоновна**
техника фанлари доктори, доцент

Болтабоев Шухрат Комилжонович
техника фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)


Етакчи ташкилот: **Тошкент давлат транспорт университети**


Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги DSc.13/30.12.2019.T.07.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «24» декабр соат 16⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: tuit@tuit.uz).


Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (235 рақам билан рўйхатга олинган.). (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-ўй. Тел.: (99871) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2021 йил «11» декабр да тарқатилди.
(2021 йил «09» декабр даги 42 рақамли реестр баённомаси.)




Р. Х. Хамдамов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
техника фанлари доктори, профессор


Ф. М. Нуралиев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
техника фанлари доктори, доцент


Ш.А.Садуллаева
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
физика-математика фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланишида сигналларни тиклаш, сигналларни таҳлил қилиш ва тасвирларга рақамли ишлов беришда Хаар вейвлети, Добеши вейвлети, Мейир вейвлети, Коиффлет вейвлет усуллари кенг қўлланилмоқда. Вейвлет усуллари ёрдамида сигналларга рақамли ишлов бериш натижасида ҳосил бўладиган хатоликларни ва ҳисоблаш амалларини камайтириш мақсадида такомиллаштирилган вейвлет усуллари ёрдамида сигналларга рақамли ишлов бериш жараёнларини математик моделлари ҳамда алгоритмларини ишлаб чиқиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Вейвлетлар усуллари ёрдамида сигналлар ва тасвирларга рақамли ишлов бериш жараёнларининг математик моделлари, алгоритмлари ва дастурий воситаларини ишлаб чиқиш бўйича АҚШ, Германия, Франция, Буюк Британия, Япония, Австралия, Жанубий Корея, Хитой, Ҳиндистон, Россия Федерацияси каби давлатларда илғор тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Бугунги кунга келиб дунёда медицина соҳасига бўлган эътибор ва талаб кун сайин ортиб бормоқда, чунки беморларнинг касалликларини вақтида бартараф этиш ва унга аниқ ташхис қўйиш, унинг таҳлилини сифатли ва қисқа вақт мобойнида аниқлаш ҳамда моддий ресурсларни тежаш асосий масалалардан биридир. Шу сабабли инсон организмидан олинadиган сигналларни рақамли ишлаш ва таҳлил қилиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан ҳисобланади. Бундай масалаларни ечиш ҳамда юқори даражадаги аниқликларга эришиш учун Хаарнинг бўлак-полиномиал вейвлет усулида сигналлар ва тасвирларни рақамли ишлаш жараёнини моделлаштириш, вейвлет коэффициентларини ҳисоблаш усуллари ва алгоритмларини такомиллаштириш орқали ҳисоблашлар сонини камайтириш ва тақиқ қилиш лозим бўлади. Сигналларга рақамли ишлов беришда қўлланиладиган вейвлетларнинг юқорироқ даражасига ўтиш орқали ушбу масалаларни ечиш мумкин.

Республикамизда тиббиёт сигналларига рақамли ишлов беришда Хаар вейвлети, Добеши вейвлети, Мейир вейвлети, Коиффлет вейвлетларидан фойдаланишга қаратилган илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...илғор ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш ва улардан фойдаланиш, илмий ва инновацион ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш...»¹ вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда, жумладан, сигналларга рақамли ишлов беришда Хаарнинг бўлак-ўзгармас вейвлет моделларидан фойдаланиб унинг такомиллаштирилган Хаарнинг бўлак-чизик ва Хаарнинг бўлак-квадратик вейвлет моделларини ишлаб чиқиб тиббиётдаги муҳим масалаларни ечиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2019 йил 7 февралдаги ПФ-5653-сон «Ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармонлари, 2019 йил 10 январдаги Вазирлар Маҳкамасининг «Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 17-сонли қарори ҳамда, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация тадқиқотнинг ўрганилганлик даражаси. Сигналларга рақамли ишлов беришда бир ва икки ўзгарувчи Хаар вейвлет моделлари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш муаммолари жаҳонда ва Ўзбекистон илмий адабиётида кенг ёритилган. Вейвлет моделларида сигналларга рақамли ишлов бериш бўйича хорижий олимлар: А.Наар, I.Daubechi, Ю.С.Завьялов, С.К.Суй, В.А.Василенко, С.Ф.Свиньин, С.Б.Стечкин, Ю.Н.Субботин, В.Л.Мирошниченко, А.И.Гребенников, P.D.Shukla, О.Зенкевич, D. Singh, Дж.Фикс, U.Michael, Г.Стренг ва бошқа чет эллик олимлар томонидан илмий-тадқиқотлар олиб борилган.

Шунингдек Ўзбекистонда М.М.Мусаев, Х.Н.Зайнидинов, У.Р.Хамдамовлар томонидан сигналларга ва тасвирларга рақамли ишлов бериш жараёнларини моделлаштиришга бағишланган илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Бундан ташқари сплайн-вейвлет функциялар ва улар асосида яқинлашиш масалаларини ечиш усулларини тадқиқ этиш бўйича хорижий олимлар: Н.Астафьева, Р.Жозшик, И.Я.Новиков, М.Хулсбуш, Г. М. Батанов, Я.А.Туrowsкий, С.Ф.Свиньин, Р.Сич, А.Б.Медвинский, В.Казаченко, В.Плекин ва бошқа чет эллик олимлар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Ўзбекистонда ушбу йўналишда Х.Н.Зайнидинов, Х.М.Шодиметов, У.Р.Хамдамов каби бир қатор олимлар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Мазкур тадқиқотлар асосан Хаарнинг бўлак-ўзгармас вейвлет усулларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган. Сигналларга рақамли ишлов беришда Хаарнинг бўлак-ўзгармас ва бўлак-чизик вейвлет моделлари ҳамда Хаарнинг икки ўзгарувчи вейвлет усулларидан фойдаланиб тасвирларга рақамли ишлов беришнинг самарали алгоритми ва уларни дастурий воситалари ишлаб етарли даражада тадқиқ этилмаган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети ва Тошкент ахборот технологиялари университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг № БВФ-Атех-2018-249 «Биометрик сигналларга рақамли ишлов бериш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш» (2018-2020) ва № ФЗ-20200930404 «Бўлак-полиномиал базисларда сигналлар ва тасвирларга рақамли ишлов беришнинг интеллектуал дастурий-техник тизимларини яратишнинг назарий методологик асослари» (2021-2024) мавзуларидаги илмий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Хаар вейвлет усуллари ёрдамида сигналларга ва тиббий тасвирларга рақамли ишлов бериш жараёнининг математик моделлари, алгоритмлари ва дастурий мажмуасини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сигналлар ва тасвирларга рақамли ишлов беришда қўлланиладиган Хаарнинг бўлак ўзгармас вейвлет усулини сплайн-вейвлетларини қўллаш орқали такомиллаштириш;

такомиллаштирилган Хаарнинг бўлак-чизик ва бўлак-квадратик вейвлет усуллари асосида электроэнцефалографик сигналларни рақамли ишлаш жараёнини математик модели ва алгоритмларини ишлаб чиқиш;

Хаарнинг икки ўзгарувчили вейвлет усуллари асосида тасвир матричаси учун сиқиш алгоритмларини ишлаб чиқиш;

Хаарнинг такомиллаштирилган вейвлет усуллари ёрдамида сигналлар ва тиббиёт тасвирларини рақали ишлаш алгоритмлари ва дастурий мажмуасини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тиббиётда электроэнцефалографик сигналлари ва тажрибадан олинган тиббий тасвирларни рақамли ишлаш жараёнлари қаралган.

Тадқиқотнинг предмети Хаарнинг бўлак-чизик ва бўлак-квадратик вейвлетларида электроэнцефалографик сигналларига, икки ўзгарувчили Хаар вейвлетлари асосида қон тасвирларига рақамли ишлов бериш моделлари, алгоритмлари ва дастурий мажмуаси олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида функционал таҳлил назарияси, вейвлет таҳлил ва математик моделлаштириш назарияси, векторлар ва матрицалар назарияси, сигналларга рақамли ишлов бериш назарияси, шунингдек сонли ҳисоблаш усуллари назарияларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сигналлар ва тасвирларга рақамли ишлов беришда қўлланиладиган Хаарнинг бўлак ўзгармас вейвлет усули сплайн-вейвлетларини қўллаш орқали такомиллаштирилган;

такомиллаштирилган Хаарнинг бўлак-чизик ва бўлак-квадратик вейвлет усуллари асосида электроэнцефалографик сигналларни рақамли ишлаш жараёнини математик модели ва алгоритмлари ишлаб чиқилган;

Хаарнинг икки ўзгарувчили вейвлет усуллари асосида тасвир матричаси учун сиқиш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

Хаарнинг такомиллаштирилган вейвлет усуллари ёрдамида сигналлар ва тиббиёт тасвирларини рақали ишлаш алгоритмлари ва дастурий мажмуаси яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Хаарнинг бўлак-ўзгармас вейвлет моделини такомиллаштирилган бўлак-чизик, бўлак-квадратик моделлари ишлаб чиқилди ва уларни тадбиқ этиш натижасида сигналларни рақамли ишлашнинг хатолиги камайтирилди;

Хаарнинг бўлак-чизик, бўлак-ўзгармас вейвлет базисларида электроэнцефалографик сигналларини рақамли ишлаш учун дастурий мажмуаси ишлаб чиқилди;

Хаар вейвлетлари ёрдамида сигналлар ва тиббиёт тасвирларини рақамли ишлаш жараёнларини моделлаштириш учун дастурий мажмуа яратилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммони ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида тиббиёт соҳасида электроэнцефалографик сигналларига ҳамда тиббий тасвирларни рақамли ишлов бериш учун қўлланилувчи ҳисоблаш тизимларининг самарадорлигига қўйиладиган юқори талаблар, шунингдек назарий ва амалий тадқиқотлардан олинган натижалар ва уларнинг мувофиқлиги орқали асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти электроэнцефалографик сигналларини ва тиббиёт тасвирларини рақамли ишлашда Хаар вейвлет усуллариининг такомиллаштирилган модели ва алгоритмларини ишлаб чиқиш учун назарий ва услубий асослар, рақамли ишлаш тизимлари услубиятлари билан изоҳланади;

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти такомиллаштирилган модел ёрдамида электроэнцефалографик сигналларига рақамли ишлов бериш орқали ундаги шовқинларни тозалаш, ҳамда икки ўзгарувчили Хаар вейвлетда қон тасвирини рақамли ишлов бериш орқали ундаги лейкоцитлар сонини аниқлаш алгоритмлари асосида ишлаб чиқилган дастурий восита Республикамиз тиббиёт тадқиқот марказларида катта ҳажмдаги сигналларни рақамли ишлаш ва қон таркибидаги лейкоцитлар сонини аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Диссертация тадқиқотлари доирасида бир ва икки ўзгарувчили Хаар вейвлетлари ёрдамида сигналларга рақамли ишлов бериш алгоритмлари ва уларнинг дастурий воситалари ёрдамида олинган илмий янгиликлар асосида:

бош мия тузилмалари микроскопик тасвирларини рақамли ишлашнинг вейвлет усуллари, алгоритмлари ва улар асосида яратилган дастурий мажмуа «Республика суд тиббий экспертиза илмий амалий маркази Самарқанд филиали»га жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва

коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 29 сентябрдаги 33-8/6886-сон маълумотномаси). Натижада, бош мия тузилмалардаги ўзгаришларни аниқлаш муддати 61%га ва хатоликни 11-15%га камайтириш имконини берган;

биомедицина сигналларига вейвлет усулида рақамли ишлов бериш алгоритмлари ва дастурий восита «Республика шошилич тез тиббий ёрдам илмий-амалиёт марказининг Андижон филиали»га жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 29 сентябрдаги 33-8/6886-сон маълумотномаси). Натижада, тиббиёт институтидаги фойдаланиб келинаётган ананавий услуга нисбатан хатоликлар 6-10%га камайтириш имконини берган;

биомедицина сигналлари ва тиббиёт тасвирларини рақамли ишлашнинг бўлак-базис усуллар, алгоритмлари ва улар асосида яратилган дастурий мажмуа «СамМИ 1-клиникаси»га жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 29 сентябрдаги 33-8/6886-сон маълумотномаси). Натижада, қондаги лейкоцитлар сонини аниқлаш вақти 58%га ва хатоликни 10-12%га камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 14 та, жумладан 7 та халқаро, 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та илмий мақола, 3 таси хорижий ва 8 таси Республика журналларида нашр қилинган ҳамда 4 та ЭҲМ учун яратилган дастурий воситаларни қайд қилиш гувоҳномалари олинган.

Диссертациянинг тузилиш ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 102 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Киришда диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган ҳамда тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш ҳолати, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Сигналларга рақамли ишлов беришда қўлланиладиган вейвлетларнинг таҳлили» деб номланган боби, тўртта параграфдан иборат бўлиб, унда вейвлет усуллари асосида функциялар ва

сигналларни интерполяциялаш усулларининг таҳлили, сигналларга рақамли ишлов беришда Хаар вейвлетларини қўлланилиши, сигналларга рақамли ишлов беришда Добеши вейвлетларининг қўлланилиши ҳамда мавжуд вейвлет усулларидан фойдаланиб сигналларни рақамли ишлаш усуллари солиштирма таҳлил қилинди.

Хаар-вейвлет ўзгартириш жараёни икки кўринишдаги функциялардан фойдаланишга таянади: вейвлет функция ва масштаблаш функцияси, яъни

$$\begin{aligned} \psi_{n,j}(t) &= \psi(2^n t - j), j = 0, 1, \dots, 2^n - 1 \\ 0 \leq 2^n t - j < 1, \frac{j}{2^n} \leq t < \frac{j+1}{2^n} \\ n &= 0, 1, \dots, N, j = 0, 1, \dots, 2^n - 1 \end{aligned} \quad (1)$$

бу ерда $\phi_{n,j}(t)$ - вейвлет функция, $\psi_{i,j}(t)$ - масштаблаш функцияси, n - сиқиш даражаси $i = 0, 1, \dots, n, j = 0, 1, \dots, 2^n - 1$

$$\psi_{i,j}(t) = \begin{cases} 1 & \text{агар } \frac{j-1}{2^i} \leq t < \frac{j}{2^i} \\ 0 & \text{агар } t \notin [0, 1) \\ -1 & \text{агар } \frac{j-1}{2^i} \leq t < \frac{j}{2^i} \end{cases} \quad (2)$$

(2)- масштаблаш функцияси

$\phi_{i,j}(t)$ лар учун $\int_{-\infty}^{\infty} \phi(t) dx = 0$ шарт бажарилиши талаб этилади. Бу ерда, $\phi_{i,j}(t)$ - масштаблаш функцияси, n - сиқиш даражаси $i = 0, 1, \dots, n, j = 1, \dots, 2^n - 1$ $\phi_{n,j}(t)$ -вейвлет функцияси яъни,

$$\begin{aligned} \phi_{n,j}(t) &= \begin{cases} 1, & \frac{j}{2^n} \leq t < \frac{j+1}{2^n} \\ 0, & \text{аксхолда} \end{cases} \\ n &= 0, j = 0, 1, \dots, 2^n - 1 \end{aligned}$$

$\phi_{i,j}(t)$ лар учун $\int_{-\infty}^{\infty} \phi(t) dx = 1$ шарт бажарилиши талаб этилади.

Бу ерда, $\phi_{i,j}(t)$ (1) вейвлет функция (2) масштаблаш функцияси. f сигнални қараймиз.

$$f = (c_1, c_2, c_3, c_4, c_5, c_6, c_7, c_8)$$

(2) ва (3) тенгликлар ёрдамида f ни қуйидагича ифодалаш мумкин


$$f(x) = \sum_{j,k \in Z} \langle C, \psi_{j,k} \rangle \psi_{j,k}$$

Бу ерда $\langle C, \psi_{j,k} \rangle$ вейвлет коэффициентлари дейилади. Шундай қилиб

$$f_i \langle f, \phi_{0,0} \rangle = \int_0^1 C \phi_{0,0}(x) dx \quad (3)$$

$\phi_{i,j}(t)$ лар учун $\int_{-\infty}^{\infty} \psi(t) dx = 0$ шарт бажарилиши талаб этилади, (3) тенгламалар системасини ечишни талаб этади. Ушбу тенгламалар системаси Гаусс усулида ечилиб C_n коэффициентлар топилади. C_n -Хаарнинг бўлак-ўзгармас вейвлетиди СРИБнинг математик модели.

$$H(t) \cong \sum_{n=0}^{\infty} C_n \phi_{n,j}(t) \quad (4)$$



1-расм. Хаар вейвлетининг масштаблаш функцияси.

Юқорида келтирилган вейвлет турларидан шуни хулоса қилиш мумкинки, адабиётларни таҳлил қилиш мобойнида вейвлетларнинг барча турлари иккита функция:

а) Масштаблаш функцияси

б) Вейвлет функция ёрдамида ҳосил қилинади ва унинг математик модели билан фарқланади.

Келтирилган вейвлетларни талаб этиладиган ҳисоблашлар сони бўйича таққослаш

1-жадвал

Вейвлетларнинг солиштирма таҳлили

№	Вейвлетларнинг турлари	Сигнални 1-даражали масштаблаш даги тиклаш аниқлиги (%)	Нол коэффицентлар (%)	Талаб этиладиган ҳисоблашлар сонини аниқлаш формуласи	$N=10$	1-даражали масштаблаш
1	Хаар	99,98	74,60	$2N - 2$	18	1
2	Добеши	99,99	74,24	$4N + 2$	42	1
3	Гаусс	100	73,21	$10^2 \ln N$	230	1
4	Коиффлет	99,96	75,02	$10^2 \ln(3N)$	340	1
5	Биортогонал	100	75,04	$N \cdot e^{N+1}$	10380	1
6	М.Шляпа	100	74,03	$N \cdot e^N$	10220	1
7	Фурье	99,97	74,31	$N \cdot e^{N+2}$	21348	1

Сигналларни Хаар вейвлетлари ёрдамида тиклаш жараёнида унинг коэффицентларини аниқлаш талаб этилади. Мавжуд вейвлет усуллари ичида топиладиган энг кўп коэффицентлар айнан Хаар вейвлет коэффицентлари ҳисобланади.

Хаар ва Добеши вейвлет моделларида сигналларни рақамли ишлашга қўйиладиган талаблар келтирилган, сигналларни рақамли ишлаш соҳасидаги мавжуд асосий муаммолар таҳлил этилиб тадқиқот масаласини қўйилиши шакллантирилган.

Диссертациянинг «Вейвлет усули ёрдамида сигналларга рақамли ишлов бериш жараёнини математик моделлаштириш» деб номланувчи боби 4 та параграфдан иборат бўлиб, Хаарнинг такомиллаштирилган бўлак-чизик ва бўлак-квадратик вейвлет усулида сигналларга рақамли ишлов бериш жараёнининг математик модели ишлаб чиқилган.

Хаарнинг такомиллаштирилган бўлак-чизик ва бўлак-квадратик вейвети усулида сигналларга ишлов бериш жараёнининг математик модели таклиф қилинган. Хаарнинг бўлак-ўзгармас вейвлетларининг камчилиги сигналларга рақамли ишлов беришда хатоликларнинг ошиб кетишидир, яъни 0,1% аниқликни таъминлаш учун сигналнинг бир қанча коэффициентларини хотирада сақлашни талаб этишидадир.

Кўпгина амалий масалаларни ечишда Хаарнинг бўлак-ўзгармас вейвлетларнинг имкониятлари етарли эмас, шу боис бўлак-чизикли вейвлетларга ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Мавжуд адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, Хаарнинг бўлак-чизикли вейвлет коэффициентларини аниқлаш алгоритми мавжуд эмас, шунинг учун ҳам бу турдаги вейвлетлар кенг қўлланилмаган.

Бўлак-чизикли Хаар вейветини қуриш учун В-сплайн вейветидан фойдаланилади. Ушбу вейвлетлар ортогонал бўлса ҳам, улар мураккаб математик моделга эга. Улардан бири В-сплайн вейвети бўлиб, у маълум маънода вейвлетлар тўпламини ўз ичига олган.

Агар сплайн-вейвлет сифатида параболик В-сплайн олинса $y = f(x)$ функцияни сплайн орқали қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$f(x) \cong \sum_{i=m}^{n+m} b_i B_{m,i}(x)$$

бу ерда m -сплайн вейветининг тартиби, $f(x)$ -интерполяцияланувчи функция, $B_i(x)$ -параболик базис сплайн, f_i - сигнал қийматларини ифодалайди, b_i -СРИБнинг математик модели бўлиб, улар қуйидагича ҳисобланади:

$$b_i = \frac{1}{8}(-f_{i-1} + 10f_i - f_{i+1}) \quad (5)$$

ёки функциянинг биринчи тартибли ҳосиласи $B_i(x)$ -сплайннинг биринчи тартибли ҳосиласи орқали қуйидагича ифодаланади:

$$f'(x) \cong S'_m(x) = \sum_{i=m}^{n+m} b'_i B'_{m,i}(x) \quad (6)$$

Хаарнинг бўлак-квадратик вейветини қуриш учун вейвлетларнинг юқорироқ даражасига ўтиш билан интерполяциялаш хатолигини яна ҳам камайтиришга эришилади.

Хаарнинг бўлак-квадратик вейветини қуриш учун параболик сплайнлардан фойдаланамиз. Параболик сплайнларнинг муҳим хусусиятларидан бири унинг биринчи ва иккинчи тартибли ҳосиласининг узлуксизлигидир. Ушбу хусусиятлардан бўлак-квадратик вейвлет коэффициентларини ҳисоблаш учун янги алгоритмини ишлаб чиқишда

фойдаланиш мумкин, бу эса сигналлар ва функцияларни бўлак-квадратик вейвлетлари билан ишлашда юқори самара беради.

Бу ҳолда $B_i(x)$ функцияларнинг қийматлари ўрнига, $[-1.5; -0.5]$ сегментда $B_0(x)$, $[-0.5; 0.5]$ сегментда $B_1(x)$ ва $[0.5; 1.5]$ сегментда $B_2(x)$ В-сплайн вейвлет орқали қуйидагича ифодаланади.

$$f(x_i) \cong S_2(x_i) = b_0 B_0(x) + b_1 B_1(x) + b_2 B_2(x) \quad (7)$$

Бу ерда $f(x)$ -интерполяцияланувчи функция.

Бу ерда $f(x)$ -интерполяцияланувчи функция, $B_i(x)$, $i=-1, 0, 1$ параболик базис сплайн, одатда b_i -коэффициентлар эса f_i сигнал қийматлари ёрдамида ҳисобланади. Унинг умумий кўриниши (7) ёрдамида ҳисобланади.

Унинг умумий кўриниши (7) ёрдамида ҳисобланади. (7) Хаарнинг бўлак-квадратик вейвлет усули. Ушбу (1), (2), (3) кўринишлардан фойдаланиб биомедицина ЭЭГ (Электроэнцефалографик) сигналининг дастлабки экспериментал маълумотларини олиб Хаарнинг бўлак-полиномиал вейвлетларида интерполяциялаш амалга оширилди.

(6) ва (7) га кўра сигналларни Хаарнинг бўлак-полиномиал вейвлетларида интерполяциялашнинг абсолют ва нисбий хатоликларини баҳолашни жадвал асосида келтирамиз:

2-жадвал

Хаарнинг бўлак-полиномиал вейвлетларида интерполяциялашнинг нисбий хатоликлари

№	Сигнал	БЎ	БЧ	БК	БЎ нол коэффици ентлар	БЧ нол коэффици ентлар	БК нол коэффици ентлар
1	Гастроэнтро логик	41%	23,2%	9,2%	88,2%	89%	90,1%
2	ЭЭГ	37%	15%	5,8%	89%	90,2%	92%
3	Магнит майдон	22,4%	9%	3,6%	90,1%	91%	93,3%

Хаарнинг бўлак-полиномиал вейвлетларида ЭЭГ сигналининг рақамли ишлаш жараёнининг математик модели курилиб унинг абсолют ва нисбий хатоликларини баҳолаш амалга оширилди. Олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатадики, баҳолаш жараёнида сигналларни интерполяциялашда Хаарнинг бўлак-квадратик вейвлетларида рақамли ишлашнинг абсолют ва нисбий хатоликлари энг кичик эканлиги маълум бўлди.

Диссертациянинг «Хаарнинг такомиллаштирилган вейвлет усулларида тиббиёт сигналларига рақамли ишлов бериш алгоритмлари ва уларнинг қўлланилиши» деб номланувчи боби 4 та параграфдан иборат. Сигналларга рақамли ишлов беришда Хаарнинг бўлак-ўзгармас ҳамда Хаарнинг такомиллаштирилган бўлак- чизик, бўлак-квадратик вейвлет

алгоритмлари ишлаб чиқилган. Маълумки Хаарнинг бўлак-ўзгармас вейвлетлари сигналларга рақамли ишлов беришда хатоликларнинг ошиб кетиши ва унинг коэффициентларини ҳисоблашда катта миқдордаги математик амалларни талаб этиши сигналларни тиклашда бир қанча хатоликларни келтириб чиқаради. Хотирада сақлаш талаб этиладиган коэффициентлар сонини камайтириш ва “силлиқлик” кўрсаткичларини яхшилайдиган усулларини қидириш вейвлетларнинг юқорироқ даражасига ўтишни тақазо қилади. Уларнинг энг оддийлари Хаарнинг бўлак-чизик вейвлетларидир, улар Хаар-вейвлетининг бўлак-ўзгармас вейвлетларини интеграллаш натижасида ҳосил қилинади. Ушбу хатоликларни олидини олиш мақсадида Хаарнинг такомиллаштирилган бўлак-чизик, бўлак-квадратик вейвлет алгоритмлари ишлаб чиқилган.

Хаарнинг бўлак-ўзгармас вейвлетини ҳисоблаш алгоритми


- Тадқиқот учун олинган $f[i]$ -экспериментал маълумотларни файл кўринишида дастурга юклаш;
- $\varphi[i]$ - масштаблаш функциясини ҳисоблаш;
- $C[i]$ - вейвлет коэффициентларини ҳисоблашда талаб этилаётган аниқ интегрални трапеция усулида ҳисоблаш;
- $H[i]$ - Хаарнинг бўлак-ўзгармас вейвлетини аниқлаш;

b_i уч нуқтали формула, $B(x)$ - сплайн вейвлетларини ҳисоблаш алгоритми ҳамда ушбу алгоритм ёрдамида ишлаб чиқилган дастур натижасини келтираемиз.

Вейвлетларнинг юқорироқ даражасига ўтиш билан интерполяциялаш хатолигини яна ҳам камайтиришга эришилади.

Қуйида Хаарнинг бўлак-квадратик вейвлетини ҳисоблаш алгоритмларини келтираемиз:

- Тадқиқот учун олинган $f[i]$ -экспериментал маълумотларни файл кўринишида дастурга юклаш;
- $b[i]$ - уч нуқтали коэффициентларни ҳисоблаш;
- $B_i(x)$ -сплайнни қийматларини ҳисоблаш;
- $f(x)$ - бўлак-квадратик вейвлетини аниқлаш;



2-расм. Такмиллаштирилган ХБЧ вейвлет усулида ЭЭГ сигналига рақамли ишлов бериш блок схемаси

Ушбу ишлаб чиқилган алгоритмларда сигналларни тиклашдаги хатоликларни баҳолаш алгоритми ҳам ишлаб чиқилди натижалар 1-жадвалда келтирилди. Сигналларни Хаар вейвлетларида рақамли ишлашнинг абсолют хатоликларини баҳолашни келтирамиз:

$$\Delta = \max_{a \leq x \leq b} |f(x_i) - har(x_i)| \quad (8)$$

(8) формула асосида Хаарнинг бўлак-полиномиал вейвлетларида интерполяциялашнинг абсолют хатоликларини баҳолашни жадвал асосида келтирамиз:

3-жадвал.

**Хаарнинг БЎ, БЧ, БК вейвлетларида ЭЭГ сигналени
интерполяциялашдаги абсолют хатолиги**

№	Сигнал	БЎ	БЧ	БК
1	Гастроэнтрологик	$245 \cdot 10^{-4}$	$81 \cdot 10^{-4}$	$42 \cdot 10^{-4}$
2	ЭЭГ	$42 \cdot 10^{-4}$	$35 \cdot 10^{-4}$	$29 \cdot 10^{-4}$
3	Манит майдон	$127 \cdot 10^{-4}$	$28 \cdot 10^{-4}$	$14 \cdot 10^{-4}$

Таҳлил натижалари асосида сигналларни тиклашдаги энг кичик хатолик Хаарнинг такомиллшган бўлак- квадратик вейвлет моделида амалга оширилган.

Ушбу кўрсаткичлардан хулоса қилиш мумкики сигналларни тиклашда Хаарнинг такомиллашган БК вейвлетиде хатолик энг кичик эканлиги маълум бўлди.

Диссертациянинг «Биомедицина сигналлари ва тиббиёт тасвирларини рақамли ишлаш дастурий мажмуаси» деб номланувчи боби 4 та параграфдан иборат бўлиб, Ушбу бобда олиб борилган тадқиқотлар жараёнида Хаарнинг бўлак полиномиал вейвлет дастури ишлаб чиқилди. Хаар вейвлетиде масштаблаш ва вейвлет функцияларидан фойдаланган ҳолда, мия касалликларини текшириш ёки турли хил мия функцияларини диагностик таҳлил қилиш учун электроансефалограмма(ЭЭГ) сигналени рақамли ишлаш алгоритми ишлаб чиқилди. Умумий ҳолатда дастурий таъминот учта асосий дастурни ўз ичига олади:


1. ЭЭГ сигналени Хаарнинг бўлак-ўзгармас вейвлетиде рақамли ишлаш модули;
2. ЭЭГ сигналени Хаарнинг бўлак-чизик вейвлетиде рақамли ишлаш модули;
3. ЭЭГ сигналени Хаарнинг бўлак-квадратик вейвлетиде рақамли ишлаш модули;
4. Қон тасвирини рақамли ишлаш модули;

Яратилган дастурий таъминотни умумий структураси 3-расмда келтирилган.



3-расм. Дастурий мажмуанинг умумий структураси


Қон тасвиридаги лейкоцитлар сонини аниқлаш дастурининг иловасини келтирамиз



4-расм. Хаар вевлетларида сигналларни рақамли ишлов бериш дастурининг бош ойнаси


4-расм дастурий мажмуанинг бош ойнаси бўлиб, у ерда “ЭЭГ-тахлили” активлаштирилиб “ОК” тугмаси босилса ХБЎ, ХБЧ, ХБК вейвлетларида ЭЭГ сигналига рақамли ишлов бериш амалга оширилади. Иккинчи сатрдаги “Қон-тахлили” банди танланганда тасвирларга рақамли ишлов бермш орқали унинг хусусиятларини ўрганиш амалга оширилади

5-расмдаги қон тасвирини 4-даражали парчаланишдан кийинга дастур ойнасида “4-даражали парчаланиш” тугмаси босилиши билан тасвирларга рақамли ишлов бериш амалга оширилиб ундаги лейкоцитлар сони аниқланади. Ушбу жараён яқинлашиш коэффициентлар сони ўзгармай қолгунича давом этади.



5-расм. Қон тасвирини 4-даражали парчаланишдан кийинга дастур ойнаси

Дастур натижасидан хулоса қилиш мумкинки даражали парчаланишлар сони 4 га тенг, лейкоцитлар сони эса 4023 та экан.



6-расм. ЭЭГ сигнали ва қон тасвириини рақамли ишлашнинг функционал схемаси.

Ушбу функционал схема ёрдамида ишлаб чиқилган дастурий мажмуа Самарқанд тиббиёт институтининг 1-клиникасида ЭЭГ сигнали ва қон тасвирларини рақамли ишлаш орқали беморларга ташхис қўйиш учун дастлабки маълумотларни шифокорга беради.

ХУЛОСА

«Икки ўлчовли сигналларни вейвлет усулларида моделлаштириш алгоритмлари ва дастурлари» мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Функциялар ва сигналларни интерполяциялаш моделлари таҳлил қилиниб, Хаар вейвлети, Добеши вейвлети, сплайн-вейвлети ва бошқа турдаги вейлет усуллари солиштирма таҳлил қилинди. Натижада 1.1-жадвалдаги олинган натижаларга асосланиб ЭЭГ сигналлари ва тиббиёт тасвирларни рақамли ишлаш учун Хаар вейвлет усули танлаб олинди. Хаар вейвлет усулини такомиллаштириш имкониятлари аниқланди.

2. Сигналларни рақамли ишлаш масалаларида кенг қўлланиладиган Хаар вейвлет, Добеши вейвлети ва сплайн-вейвлет усуллари таҳлил қилинди. Хаар вейвлет усулининг қулайлиги коэффициентларни ҳисоблаш учун тезкор алгоритмларни мавжудлигидир. Лекин кўпгина амалий масалаларни ечишда бу вейвлет усулининг аниқлиги етарли эмас. Хаарнинг бўлак-полиномиал вейвлетларига ўтиш йўли билан аниқликни ошириш мумкинлиги кўрсатилди, ҳамда Хаарнинг такоминлаштирилган вейвлет усули ёрдамида ЭЭГ сигнаolini рақамли ишлаш жараёнини математик моделлаштириш орқали нисбий хатолиги 31% га камайди.

3. Функцияларни Хаарнинг бўлак-ўзгармас ва унинг такомиллаштирилган бўлак-чизик вейвлет усулларида интерполяциялаш амалга оширилди ҳамда уларнинг хатоликлари баҳоланди. Шунингдек, функцияларни Добеши(db2), Добеши(db3) вейвлет усулларида интерполяциялаш амалга оширилди ҳамда уларнинг ҳам хатоликлари баҳоланди. Натижада таклиф этилган Хаарнинг такоминлаштирилган вейвлет усулида сигналларни тиклаш аниқлиги 10-12% га ошди.

4. Хаарнинг бўлак-ўзгармас вейвлет усулини такомиллашган Хаарнинг бўлак-чизик ва бўлак-квадратик вейвлет усуллари ишлаб чиқилди. Ушбу усуллар ёрдамида ЭЭГ сигнаliga рақамли ишлов бериш жараёнини математик модели чиқилди. Натижада ЭЭГ сигнали ХБЧВ усулида 1,8% га ХБКВ усулида 3% га шовқинлардан тозаланди.

5. Хаар вейвлет усуллари ёрдамида сигналлар ва тиббиёт тасвирларини рақамли ишлаш жараёнларини математик моделлаштириш учун дастурий мажмуа яратилди.

6. Хаарнинг такомиллаштирилган вейвлет усуллари икки ўлчовли сигналларни рақамли ишлаш жараёнини моделлаштириш учун ҳам ишлатиш мумкин. Бунда коэффициентларни ҳисоблаш икки босқичда амалга оширилади: коэффициентлар биринчи босқичда сатрлар бўйича, иккинчи босқичда эса устунлар бўйича ҳисобланади. Натижада рақамли ишланаётган тасвирнинг аппроксимация ва айирма коэффициентлари аниқлади.

7. Икки ўзгарувчили Хаар вейвлет усулидан фойдаланиб, қон тасвирини рақамли ишлаш натижасида ундаги лейкоцитлар сони аниқланди. Натижада беморларга унинг соғлиги ҳақида бирламчи маълумотлар бериш имкони яратилди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПРИ НАУЧНОМ СОВЕТЕ
DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ ТАШКЕНТСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ
ТЕХНОЛОГИЙ**

САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ЖУРАЕВ ЖОНИБЕК УКТАМОВИЧ

**АЛГОРИТМЫ И ПРОГРАММЫ ДЛЯ МОДЕЛИРОВАНИЯ
ДВУМЕРНЫХ СИГНАЛОВ ВЕЙВЛЕТ-МЕТОДАМИ**

05.01.07 – Математическое моделирование. Численные методы и комплексы программ

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент– 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.4.PhD/Т1947.

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tuit.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: Зайнидинов Хакимжон Насридинович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: Назирова Элмира Шодмоновна
доктор технических наук, доцент
Болтабоев Шухрат Комилжонович
доктор философии (PhD)
по техническим наукам

Ведущая организация: Ташкентский государственный транспортный университет

Защита диссертации состоится «24» декабря 2021 г. в 16⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 при Ташкентском университете информационных технологий. (Адрес: 100202, г.Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий (регистрационный номер № 235). (Адрес: 100202, г.Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-65-44).

Автореферат диссертации разослан «11» декабря 2021 года.
(протокол рассылки № 42 от «09» декабря 2021 г.).



Р.Х.Хамдамов
Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней,
доктор технических наук, профессор

Ф.М.Нуралиев
Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней,
доктор технических наук, доцент

Ш.А.Садуллаева
Председатель научного семинара при научном совете по
присуждению ученых степеней,
доктор физико-математических наук, доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире в процессе развития информационно-коммуникационных технологий при восстановлении и анализе сигналов и цифровой обработке изображений широко применяются вейвлеты Хаара, Добеши, Мейира Коиффлета. Одним из значимых вопросов является разработка усовершенствованных математических моделей и алгоритмов для сокращения вычислительных операций и погрешностей, образующихся в результате цифровой обработки сигналов вейвлетами. В таких странах как США, Германия, Франция, Великобритания, Япония, Австралия, Южная Корея, Китай, Индия, Российская Федерация ведутся передовые исследования по разработке математических моделей, алгоритмов, программных средств и методов цифровой обработки сигналов и изображений вейвлетами.

К настоящему времени с каждым днем все больше уделяется внимание и предъявляются требования к сфере медицины, поскольку вопросы своевременной диагностики и лечения заболеваний у людей, качественное и оперативное определение анализов, а также экономии материальных ресурсов являются основными. Поэтому актуальными проблемами сегодняшнего дня представляются вопросы цифровой обработки и анализа сигналов, получаемых от организма человека. Для решения этих вопросов и достижения высокой точности необходимо исключить и сократить количество вычислений путем совершенствования методов, алгоритмов и моделей вычисления коэффициентов кусочно-полиномиальных вейвлетов Хаара, которые являются значимыми при цифровой обработке сигналов и изображений. Решить эти задачи можно посредством перехода на новый более высокий уровень вейвлетов, применяемых при цифровой обработке сигналов.

В Республике ведутся научные изыскания, направленные на использование вейвлетов Хаара, Добеши, Мейира Коиффлета при цифровой обработке медицинских сигналов. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах определены задачи «... внедрение передовых информационно-коммуникационных технологий и их использование, создание эффективных механизмов внедрение в практику научных и инновационных достижений...»¹. При реализации данных задач актуальной проблемой медицины сегодняшнего дня является решение важных вопросов разработки усовершенствованных моделей кусочно-линейных и кусочно-квадратичных вейвлетов Хаара при цифровой обработке сигналов с использованием моделей кусочно-непрерывных вейвлетов Хаара.

Данное диссертационное исследование в определенной мере служит осуществлению задач, предусмотренных Указами Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», от 7 февраля 2019 года №УП-5653 «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию

информационной сферы и массовых коммуникаций», Постановлением² Кабинета Министров №17 от 10 января 2019 года «О мерах по созданию технологического парка программных продуктов и информационных технологий» и другими нормативно-правовыми документами, касающимися данной сферы.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан IV. «Информатизация и развитие информационно-коммуникационных технологий».

Степень изученности проблемы. Проблемы разработки алгоритмов и вейвлет-моделей Хаара с одним или двумя переменными при цифровой обработке сигналов широко освещено в мировой и отечественной научной литературе. А.Naar, I.Daubechi, Ю.С.Завьялов, С.К.Chui, В.А.Василенко, С.Ф.Свиньин, С.Б.Стечкин, Ю.Н.Субботин, В.Л.Мирошниченко, А.И.Гребенников, P.D.Shukla, О.Зенкевич, D. Singh, Дж.Фикс, U.Michael, Г.Стренг и другие зарубежные ученые проводили исследования по вопросам цифровой обработки сигналов в вейвлет-моделях.

Ряд отечественных ученых таких как М.М.Мусаев, Х.Н.Зайнидинов, У.Р.Хамдамов вели научные изыскания, посвященные моделированию процессов цифровой обработки сигналов и изображений. Кроме того, вопросы изучения методов сплайн-вейвлет функций и задач по аппроксимации на их основе рассматривались в работах зарубежных ученых, таких как Н.Астафьева, Р.Жозшик, И.Я.Новиков, М.Хулсбуш, Г. М. Батанов, Я.А.Туровский, С.Ф.Свиньин, Р.Сич, А.Б.Медвинский, В.Казаченко, В.Плекин и др. В Узбекистане в этом направлении вели свои научные изыскания Х.Н.Зайнидинов, Х.М.Шодиметов, У.Р.Хамдамов и другие специалисты.

Указанные выше исследования осуществлялись с применением кусочно-непрерывных вейвлет-моделей Хаара. В недостаточной мере изучены вопросы разработки алгоритмов и программных средств цифровой обработки изображений с использованием моделей вейвлета Хаара с двумя переменными и кусочно-непрерывных и кусочно-линейных моделей вейвлета Хаара при цифровой обработке сигналов.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование плана научно-исследовательской работы Самаркандского государственного университета и Ташкентского университета информационных технологий № БВФ-Атех-2018-249 «Разработка методов и алгоритмов цифровой обработки

¹Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

